Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 18 сентябрь, чоршанба • №75 (11.463) • Эркин нархда сотилади

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раиси Б.Мустафоев йиғилишни очар экан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказиш мақсадида келгуси фаолиятимизнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилганлигини алоҳида қайд этди.

Ана шу устувор йўналишлардан бири – суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил ривожлантиришни кўзда тутади. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Шу маънода, Президентимизнинг сессиядаги маърузасида белгилаб берилган асосий вазифалар ва йўналишлардан келиб чиқиб, Конституциявий суднинг ўтган давр давомидаги ишини чуқур таҳлил қилиш асосида унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш зарур.

Конституциявий назоратни кучайтириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан кенгроқ фойдаланиш, Конституциявий суд қарорларининг ижро этилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш, айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан, йиғилишда Олий Мажлис ва унинг қўмиталари ҳамда комиссиялари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамаси, марказий ташкилотлар ва муассасалар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш муҳимлигига эътибор қаратилди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги тарғибот ишларини, Конституциямизнинг 10 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни изчил давом эттириш зарурлиги уқтирилди.

Йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб амалга ошириладиган тадбирлар дастури тасдиқланди.

***(ЎзА).***

## ТАДБИРКОРЛАР ОЛМАЛИҚДА ТЎПЛАНИШДИ

**Вилоятимиз тадбиркорлари ўтган ҳафта ниҳоясида яна бир бор Олмалиқда тўпланишди. Шаҳардаги Металлурглар маданият саройида мамлакатимизга истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни ички бозорда сотишни такомиллаштиришга бағишланган семинар-йиғилиш ва савдо ярмаркаси ўтказилди.**

Уларнинг бу сафарги тадбири анъанавий маҳсулотлар кўргазмаси билан чекланиб қолмай, ушбу маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотиш масалаларини ҳал этиш ва янги шартномаларни имзолаш жараёнларига уланиб кетди

Кейинги пайтларда ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини қаерда ва қай тартибда сотишлари масаласи долзарб аҳамият касб этаётганлиги, кўплаб янги харидорлар топишга эҳтиёж туғилаётгани боис, бундай тадбирлар айни муддао бўлмоқда. Зеро, улар омилкорларга ўз маҳсулотларини намойиш қилиб, бевосита ана шу ярмаркаларнинг ўзида бир қатор шартномалар имзолаш имкониятини беради.

Бу гал Олмалиққа майда хусусий фирмалардан тортиб йирик саноат ишлаб чиқаришигача эгалик қилаётган 130дан ортиқ тадбиркорлар ташриф буюришди. Бироқ, уларнинг бари ўз маҳсулотлари кўргазмасини бўлажак харидорларни жалб этадиган даражада ташкил этди деб бўлмайди. Савдо ярмаркаси билан танишиш ва баҳонада бирор нарса харид қилиш учун келган одамларнинг уларга қанчалик эътибор билан қараётгани ҳам шундан далолат берарди. Масалан, Чирчиқда олтмиш йилдан бери болалар учун кийим-кечак тикиб келаётган, ўтган давр мобайнида кичкинтойлар либосларининг минглаб турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирган, вилоятдаги неча авлод фарзандларини кийинтириб улғайтирган уста чеварлар корхонаси – «Ғунча» ҳиссадорлик жамияти уюштирган кўргазма атрофи турли ёшдаги болалар билан гавжум бўлди. Улар ота-оналарига уни ёки буни олиб беринг, деб хархаша қилишларининг ўзиёқ намойиш қилинаётган маҳсулотлар харидоргирлигидан далолат берувчи жонли реклама вазифасини ўтади, десак муболаға бўлмас. «Халқчил ва оммавий реклама» деб шуни айтсалар керак.

Чирчиқ корхоналаридан яна бири кўпчилик эътиборини ўзига қаратди. «Латофат» деб номланган бу хусусий фирма «Мерседес» автобусларидан тортиб, «Кейс» трактор ва комбайнларигача барча турдаги бошқариладиган техника воситалари учун пешойналар ишлаб чиқаради. Вилоятимиздаги бу корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифатига кўра хориж андозаларидан қолишмайди, нархи эса, уларга нисбатан уч карра арзонроқ. Давлат маблағларини тежаш деб шуни айтадилар-да. Айтмоқчи, бу галги мазкур ярмаркада чинакам рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони сезиларли даражада ўсаётганини пайқаш қийин эмасди. Бунга мисол тариқасида «Кибо» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси пойафзалларини ёки Қибрайдаги «Тошкент-Тибтехника» очиқ акциядорлик жамияти тиббий ускуналарини ҳамда вилоятимизнинг бир қатор корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни санаб ўтиш мумкин.



Йигирмадан ортиқ турдаги гилам ва тўшамалар етказиб бераётган Олмалиқнинг «Пояндоз» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳам диққатга сазовор. Савдо ярмаркасидаги бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо, унда фермерлар иштироки суст бўлди назаримизда. Ҳар қалай қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини намойиш этаётган бундай одамни аранг топдик. Олмалиққа томат қуйқаси, олма повидлоси ва кўплаб тузламалар келтирган бўкалик Тўлабой Отабоев маҳсулотларини бир соатга қолмай харид қилиб бўлишди. Янгийўл вино заводи ишлаб чиқара бошлаган олма шарбати намуналарини ҳам кўз очиб юмгунча сотиб улгуришди. Дарвоқе, мазкур заводнинг алкоголсиз ичимликлар қуювчи янги линияси ишга туширилгани кўпчилик учун кутилмаган янгилик бўлди. Айниқса, бу хушхабар фермерларни кўпроқ хурсанд қилган бўлса ажабмас. Чунки, завод улар

***(Давоми 2-бетда).***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ЗАМОНАВИЙ УСУЛДАГИ ТАШҲИС

**Юқоричирчиқ тумани акушерлик мажмуи туғиш ёшидаги хотин-қизларга профилактик тиббий ёрдам кўрсатишда «Шимосоник ДЛ-32» портатив ультратовуш аппаратидан фойдалана бошлади.**

Алоҳида жадвалга мувофиқ қишлоқ врачлик пунктларига ушбу ускунани олиб чиқиш йўлга қўйилди. Истиқомат жойларининг ўзида хотин-қизлар ички касалликлари аниқланиб тиббий хизмат кўрсатилаётир. Шу кунгача саккизта қишлоқ врачлик пунктида мингдан зиёд хотин-қиз ушбу аппарат ёрдамида тиббий кўрикдан ўтди.

### ҚИШЛОҚДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўртачирчиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси мавжуд 15 та қишлоқ фуқаролари йиғинларида аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида учрашувлар ўтказди. Тадбирларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, шунингдек, турли жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, аёлларни қизиқтирган саволларга муфассал жавоб беришди.

### ХОНҚЎРҒОНДА ЯНГИ МАСКАН

**Янгийўл туманининг Хонқўрғон қишлоғи йилсайин обод бўлиб боряпти.**

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бу ерда «Чорҳожи» маданият ва маърифат маскани очилди. Меҳнат фахрийси Мухтор Алимов ташаббуси билан барпо этилган бу оромгоҳни тиклашга 3 миллион сўм маблағ сарфланди. Эргаш Турғунов, ака-ука Маннон, Шуҳрат, Баҳодир ва Равшан Алимовлар сингари тадбиркор ва ташаббускор инсонларнинг молиявий-моддий ёрдамлари бу хайрли ишни қисқа муддатда якунлаш имконини берди.

***Ўз мухбиримиз.***

### КЕКСАЛАР ЁШЛАРГА ЎРНАК

**«Соғлом авлод учун» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари туман бўлимлари ҳамкорликда Чиноздаги 20 дан ортиқ маҳалла ёшлари ўртасида «Кексалар ибрати ёшларга ўрнак» мавзусида давра суҳбатлари ўтказишди.**

Тумандаги фаолияти билан обрў қозонган кекса отахону онахонлар ўз ҳаёт йўллари ҳамда турмушнинг паст-баланди ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб бердилар.

Ўсиб келаётган авлодни ёшликда ҳаётнинг қадрига етишга, унинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланишга даъват этиш мақсадида уюштирилаётган бу тадбирлар яхши самара бериши шубҳасиз.

***Ўз мухбиримиз.***

### ХАЙРЛИ РЕЖАЛАР

**Бекобод шаҳрининг «Андижон» маҳалласида юридик мақомга эга бўлган «Хайрли мақсад» хусусий фирмаси иш бошлади.**

Фирма «Андижон», «Фарғона» маҳаллаларини чиқиндилардан тозалаб, саранжом-саришталикка, озодаликка эътибор бериш билан бирга шаҳарнинг ободонлаштирилишига ўзининг беминнат ҳиссасини қўшиб келмоқда.

— Келгусида имкониятларимизни кенгайтириб, шаҳардаги барча маҳаллаларга хизмат кўрсатишни режалаштирмоқдамиз, — дейди «Хайрли мақсад» хусусий фирмаси директори Шерали Эралиев.

***Ўз мухбиримиз.***

### ПЕЧ ИШГА ТУШДИ

**«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси тарихида муҳим воқеа юз берди.**

1944 йили корхонада биринчи марта «Мартен» печи, 1978 йилда эса, электрда пўлат эритиш печи фойдаланишга топширилган бўлса, яқинда замонавий усулда, яъни ёйсимон пўлат эритиш печи дастлабки маҳсулотини бера бошлади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, агар хом-ашё узлуксиз етказиб бериб турилса, янги печ лойиҳа бўйича йилига жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган 600 минг тонна пўлат қуйилмалари тайёрлаш қувватига эга бўлади.

***Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.***

ВИЛОЯТ ҳаёти

## КАФЕЛЬНИКОВ СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

Пойтахтдаги «Юнусобод» кортида Ўзбекистон Президенти кубоги учун бир ҳафта давом этган анъанавий турнир ниҳоясига етди

Бу йилги турнир том маънода катта теннис байрамига айланди десак, муболаға бўлмайди. Мусобақанинг дастлабки кунидан бошлаб, тантанали ёпилиш маросимигача муҳташам спорт мажмуи ушбу севимли ўйин мухлислари билан мунтазам гавжум бўлиб турди. Айниқса, катта ракетка усталари ҳар бир турда сараланиб, бош соврин учун кураш ҳал қилувчи босқичга киргандан сўнг кортларда бирорта ҳам бўш ўриндиқ қолмади. Бунинг сабаби биринчидан, «Президент кубоги» турнири шарофати билан кейинги йилларда мамлакатимизда катта теннис жадал ривожланганлиги бўлса, иккинчидан, бу йилги мусобақаларга жаҳоннинг номдор теннисчилари ҳар йилгидан кўпроқ ташриф буюрганидир.



Қолаверса, шу пайтгача номлари таниш бўлмаган айрим спортчиларнинг баъзи теннис юлдузларини доғда қолдирганлари мухлисларнинг ушбу турнирга қизиқишларини янада ошириб юборди. Масалан, теннис ишқибозларига нотаниш бўлган таиландлик Парадорн Шричапан, ҳатто, Марат Сафиндек юлдузни ўйиндан чиқариб юбориб, ярим финалгача етиб борди. Шунингдек, белорусиялик Владимир Волчковни кўпчилик дастлабки турлардаёқ жомадонини йиғиштиради, деб ўйлаган эди. Аммо, у башоратчиларни ҳайрон қолдириб, финалга чиқиб борди.

Хуллас, финалда жаҳоннинг энг кучли ракетка усталаридан бири Евгений Кафельников билан ҳамюртларимизга

***(Давоми 4-бетда).***

## КОРЕЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНАДА ФАОЛЛАШМОҚДА

**Пойтахтдаги "Шератон" меҳмонхонасида Жанубий Корея ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-семинари бошланди. Жанубий Корея делегациясига ушбу мамлакат Халқаро савдо уюшмаси (КИТА) катта ижрочи директори Янг Су Хан раҳбарлик қилмоқда.**

Семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад икки мамлакат ишбилармонларининг алоқасини янада кенгайтиришга қаратилган.

Нотижорий ташкилот саналмиш КИТА 1946 йили тузилган. Ҳозир 90 мингдан зиёд савдо корхонаси мазкур уюшманинг аъзоси ҳисобланади. Бу корхоналарнинг фаолият доираси жуда кенг. Халқаро савдо соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш, муҳим янгиликлар бўйича ахборот алмашиш ва турли тадқиқотлар ўтказиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш шулар жумласидандир.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Ушбу давлат ишбилармонларининг мамлакатимизга киритган сармояси 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Юртимизда йигирмадан зиёд Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ўринда "ЎзДЭУавто", "ЎзДЭУэлектроникс", "Кабул-Ўзбек Ко." каби корхоналарни алоҳида тилга олиш мумкин. Шунингдек, Жанубий Кореянинг ўндан ортиқ йирик компанияси мамлакатимизда ваколатхона очган.

Эндиликда икки мамлакат тадбиркорлари ҳамкорлигининг қирралари ҳам кенгайиб бораётир. Бу жараёнда Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. 1998 йилда мазкур палата Жанубий Кореянинг Ташқи савдо агентлиги билан ҳамкорликда қўшма семинар ташкил қилганди. Бу йил май ойида эса ўзбекистонлик тадбиркорлар Корея Республикасида ўтказилган истеъмол моллари кўргазмасида иштирок этди.

Бизнес-семинарда КИТА билан мамлакатимиз ишбилармонларининг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган битим имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги умумиқтисодий ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантиришни кўзда тутади.

***Озод РАЖАБОВ, ЎзА мухбири.***

БУГУНГИ СОНДА:

БИР ТУП ЁНҒОҚ 2-бет
УСТОЗ ИБРАТИ 3-бет
САБИЛ ҚОЛГАН ТЎЁНА 4-бет

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

**66-модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.**

Конституциянинг шарҳланаётган ушбу моддаси инсон ҳаётининг асоси бўлиб, ота-она ва болалар ўртасидаги яқинлик, ғамхўрлик ҳамда меҳр-муҳаббатни жипслаштиради.

Конституциянинг ушбу моддасида кўрсатилган талаб, Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»нинг 109-моддасида ўз аксини топган. Унга асосан: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди» — деб кўрсатилади.

Оилада ота-она ва болалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, табиийки, бир-бирига ёрдам кўрсатиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамжиҳатликка ҳамда ихтиёрийликка асосланган бўлиши лозим.

Акс ҳолда вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, шунингдек, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарига моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод этилмайди.

Болаларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятлари илгари уларнинг ахлоқий мажбурияти бўлиб ҳисобланган. Мустақил Республикамиз Конституцияси қабул қилиниши билан болаларнинг бу мажбурияти қонуний конституциявий мажбуриятга айланди.

Вояга етган фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишга, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга, ота-оналари турмушидан хабардор бўлиб, сиҳат-саломатликларига ҳар доим эътибор беришлари зарур.

Вояга етган фарзандлар нафақа мажбурияти вужудга келган ёки келмаганлигидан қатъи назар, ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Кўпинча ота-оналар қариган ёки касал бўлган даврларида етарли даражада пенсия олиб, моддий томондан яхши таъминланган бўлсалар-да, аммо ўз фарзандларининг улар тўғрисида ғамхўрлик қилишларига, маънавий эътиборларига муҳтож бўладилар. Аксарият ҳолатларда ота-оналар бундай болалардан нафақа ундириш ҳақида даъво қилмайдилар.

Ота-онанинг меҳнатга лаёқатсизлиги, шунингдек, оиладаги бошқа аъзонинг меҳнатга лаёқатсизлиги уларнинг пенсия ёшига етганлигини (аёллар 55 ёшга ва эркаклар 60 ёшга тўлганлигини) ёки оилада I ва II гуруҳ ногиронлари борлигини англатади. Ота-онанинг III гуруҳ ногирони бўлганлиги ТМЭК (Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси)нинг тегишли хулосасида тавсия этилган ишни топа олмаганлиги, уларга ўз болаларидан моддий таъминот олиш ҳуқуқини беради.

Ота-онанинг фарзандлари ёрдамига муҳтожлиги уларнинг маблағлари (иш ҳақи, пенсия ва шу кабилар) ўзларининг моддий шароитларини тирикчилик минимуми даражасида сақлашлари учун етмаган вақтда вужудга келади.

Ушбу модда билан мустаҳкамланган ҳуқуқий норма, меҳнатга лаёқатли, вояга етган болаларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбурияти, биринчи навбатда, фарзандларнинг маънавий бурчи ва вазифаси бўлиб ҳисобланади. Негаки, буни давлат томонидан унинг мажбурлаш воситалари ёрдамида амалга ошириб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси» вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ўз ота-оналарига таъминот беришида алимент тўлаш тўғрисидаги келишув расмийлаштирилишини назарда тутади.

Албатта, бу келишувни расмийлаштириб ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ота-она фойдасига алимент ундирилиши вақтида ота-онанинг ҳам, фарзандларнинг ҳам моддий ҳамда оилавий шароитлари ҳисобга олиниши лозим.

Болаларнинг ёрдамга муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилмасликлари уларни нафақа ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат этишга мажбур қилади.

Фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилмасалар, уларга нисбатан қонуний кафолатлар белгиланмайди. Бироқ инсофсиз, ота-онаси олдидаги ўз фарзандлик бурчларини эсларидан чиқариб қўйган болаларга нисбатан суд хусусий ажрим чиқариб, уларнинг яшаш ёки ишлаш жойларига, уларнинг маънавий қиёфасини муҳокама қилишга тавсиянома юбориши мумкин.

Хуллас, ҳаёти, яшаш, турмуш тарзи, болалардан ўз ота-оналари ҳақида ҳар доим ғамхўрлик қилишни талаб этади, бу эса ҳар бир фарзанднинг ўз ота-онаси олдидаги ҳаётий, фарзандлик бурчини ҳамда конституциявий мажбуриятининг бажарилишини таъминлайди.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.***

# Грантлар энг яхши лойиҳага берилади

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш Кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар марказида Ўзбекистонда амалга оширилаётган грант тизимини молиявий таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Унга академик институтларидаги янги технологиялар муаллифлари бўлмиш олимлар, вазирликлар, идоралар, тармоқлар ва йирик корхоналар вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 20 февралдаги "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида бу ўзгаришларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мос экани асосий унсурлардан биридир, деб белгиланган эди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш йирик илмий дастурлар ва инновация лойиҳаларини бажариш, муайян иқтисодиёт соҳасини инновация фаолиятига жалб этиш механизмларини барпо этилишини тақозо қилади.

Илмий-техник тараққиётни мувофиқлаштирувчи кенгаш жамиятимизнинг стратегик талабларига мос тадқиқотларнинг устувор йўналишларини тасдиқлаган. Шунга кўра Илм-фан ва технологиялар маркази қисқа муддатли, ўрта муддатли ҳамда узоқ муддатли давлат грантларини олиш учун танлов эълон қилди.

***ЎзА.***

# Ҳамкорлик самараси

**"Тошкент трактор заводи" давлат акциянерлик жамиятида Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки томонидан ажратилган 24 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит ҳисобига 650 дона мини-трактор тайёрланди.**

Акционерлик жамиятидан маълум қилишларича, бугунги кунда ушбу мини-тракторларнинг бир неча бутловчи қисмлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида бу кўрсаткични янада ошириш кўзда тутилган.

Мини-тракторларни харид қиладиган деҳқон-фермерлар техник хизмат борасида ташвишланмаса ҳам бўлади. Тракторларга техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатацияси мониторинги хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилади.

***Инобат ИБРОҲИМОВА, ЎзА.***

«Нуроний» жамғармасининг Янгийўл шаҳар бўлими Қарияларни қадрлаш йилида турли тадбирлар ўтказиб, меҳнат фахрийларининг ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини таъминлаяпти.



*СУРАТДА: бўлим раиси Ҳайдарали Мамадалиев фаоллар билан навбатдаги ишларни режалаштирмоқда.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

Хотира азиз

# УСТОЗ ИБРАТИ

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Бир гуруҳ машҳур олимлар, жумладан Ҳабиб Абдуллаев, Содиқ Азимов, Убай Орипов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Обид Содиқов, Ҳамид Сулаймонов, Собир Юнусов, Тошмуҳаммад Қори Ниёзий, Яҳё Ғуломов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотландилар. Бу фармон республика жамоатчилигини, айниқса илм-фан аҳлини ғоят хушнуд этди.**

Буюк Беруний, Ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Улуғбек каби даҳоларнинг ворислари бўлмиш алломалар ўзбек илм-фанини юксак даражага кўтардилар. Ўзбек геологияси, кимёси, математикаси, физикаси, астрономиясининг довруғи жаҳонга таркади.

Хорижий давлатларнинг илм-фан намояндалари буюк кимёгар Собир Юнусов, Обид Содиқов, машҳур математиклар Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, фан арбоблари Убай Орипов, Содиқ Азимов ва бошқа фан вакиллари номларини ҳурмат ва эҳтиром ила тилга оладилар.

Ўзбек олимлари ичида улуғларнинг улуғидан бири Ҳабиб Абдуллаев эди. Бу муҳтарам зот Ўзбекистон илм-фанининг ҳақиқий дарғаси ва асосчиси эди. У қисқа умр кўрди. Шу қисқа муддат ичида республикада табиий ва ижтимоий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг президенти сифатида унинг тасарруфида янгидан-янги институтлар ташкил этди, айниқса маҳаллий кадрларни кўпайтиришда жонбозлик кўрсатди. Алломани буюк геолог олим сифатида дунё илм аҳли тан олган эди. У буюк кашфиётлар ва ихтиролари билан жаҳон геология фани ривожига улкан ҳисса қўшган эди.

Унинг илмий қобилияти, буюк олимлиги бобида, шунингдек, инсоний фазилатлари ҳақида кўп эсдаликлар, ёдномалар, хотиралар ёзилган. Уларни алломанинг ёру-дўстлари, машҳур олимлар, давлат ва жамоат арбоблари битган. Уларга бирор янгилик киритиш мушкул иш, албатта. Бироқ, мен оддий олим, зиёли киши ва журналист сифатида у буюк зотнинг инсоний ҳислату фазилатлари ҳақида ёзишга журъат этдим. Зеро, алломанинг ажойиб инсон ва етук олимлигини намоён этган баъзи воқеаларнинг шоҳиди ва гувоҳи бўлганман.

Биринчи воқеа. 1957 йилда Тошкентда шарқшунос олимларнинг бутуниттифоқ конференцияси очиладиган бўлди. Конференцияга деярли барча мамлакатлардан таниқли олимлар, давлат ва жамоат арбоблари таклиф этилди. Республика ҳукумати, Фанлар Академияси, барча илмий жамоатчилик тадбирга жуда катта тайёргарлик кўрдилар. Барча газета ва журналларга, конференцияни кенг ёритиш вазифаси топширилди. Жумладан, республика бош нашрининг бутун бир сони конференцияга бағишланадиган бўлди. Махсус сонда турли-туман материаллар, мақолалар, репортажлар, фотосуратлар, чет эллик олимлар ва меҳмонларнинг интервьюларини бериш режалаштирилди. Материаллар раҳбарият ва Фанлар Академиясининг кўригидан ва назоратидан ўтказилди. Махсус сонда энг муҳим ва энг катта мақола Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Президенти Ҳабиб Абдуллаев мақоласи эди. Мақола буюк аллома Абу Райҳон Берунийга бағишланган эди. У рус тилида илмий далиллар ва исботлар билан пишиқ-пухта ёзилган бўлиб уни қобилиятли, ёш шарқшунос олим таржима қилиб берди. Таржимани Ҳабиб Абдуллаев ўқиб, маъқулладилар. Беруний ҳақида бундай зўр мақола матбуотда биринчи марта босилаётганлиги боис муҳаррирдан тортиб, навбатчилар, корректорлар, босмахона ходимлари ўта ҳушёрлик билан унинг чиқиш жараёнини кузатиб турдилар. Махсус сон ва Беруний ҳақидаги мақола конференция кунида нашрдан чиқди. Махсус соннинг макети, безаклари ғоят жозибали ва гўзал эди. Бундан барча редакция ходимлари мамнун ва хурсанд эдилар.

Газета чиққан куни эрталабоқ муҳаррир Иброҳим Раҳим барча ходимларни шошилинч мажлисга тўплади. Ҳамма ҳайрон ва таажжубда. У киши хунук хабарни айтдилар. Беруний тўғрисидаги мақола муаллифсиз, гўё таҳририят номидан уюштирилгандек имзосиз бўлиб чиқиб кетган экан. Ҳаммани саросималик, ваҳима босди. Чунки, бундай муҳим сиёсий тадбирда содир бўлган хатодан ходимлар жиддий жазоланиши мумкин эди. Ўша куни редактор, навбатчи редактор ва ревизор ҳамда корректорлар ўқиган хомаки саҳифаларнинг барчасида Ҳ.Абдуллаев имзоси бўлган. Жиддий текширувдан маълум бўлишича, Ҳ.Абдуллаев имзоси босмахона ходимларининг айби билан тушириб қолдирилган экан.

Барибир ким айбдор бўлишидан қатъий назар, махсус сонни чиқарган барча ходимлар жазоланиши турган гап эди. Иброҳим Раҳим мажлисдан сўнг, мени йўқлаб, шундай дедилар: «Сиз ҳам махсус сон ташкилотчиси ва масъуллардан бирисиз. Сиз Ҳабиб Муҳаммедовичга тезда учрайсиз ва хунук воқеа учун редакция номидан узр сўрайсиз». Газета раҳбарининг ўзи телефон орқали узр сўраши мумкин эди. Лекин фаҳмласам редактор Ҳ.Абдуллаев жавобидан чўчиган экан. Мен дарҳол эрталаб соат 10 ларда Фанлар Академиясининг Президиумига етиб бордим. Қабулхона котибаси мени раҳбар ҳузурига киритиб юбордди. Ҳаяжон ва бир оз қўрқув ила Ҳ.Абдуллаевга рўпара бўлдим. Катта столда газетамизнинг махсус сони ёзиғлиқ ҳолда ётар эди. Ҳеч нарса бўлмагандек, аллома мени илиқ кутиб олдилар ва газетани мақтаб кетдилар. Айниқса, Берунийга бағишланган мақоладан мамнун эканликларини айтдилар. Мен мақола муаллифсиз чиққани, маълум сабабларга кўра хато содир бўлганини айтиб ундан узр сўрадим. Муаллифларнинг исми-шарифи мақола тепасига қўйилганини ҳам айтдим. Шунда аллома шундай дедилар: «Укам! Агар мақола тепасида менинг исм-фамилиям ва лавозимим кетганда, мен қаттиқ хафа бўлардим. Ахир, мен киму, Берунийдек буюк даҳо ким. Мен буюк алломанинг олдида оддий бир олимман. Шу мақола туфайли Берунийнинг улканлигини энди билиб олдим. Илгари Беруний ижоди ва ҳаётини яхши билмасдим. Мақоланинг хомаки нусхасини Шарқшунослик институтининг қобилиятли ходими Убайдулло Каримов тайёрлаб берди. Мен унга бироз қўшимча киритдим. Аслида, биз бу олимга раҳмат айтишимиз керак.

Шу мақола баҳона эндиликда биз олимлар улуғ бобокалонларимиз мероси, ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганамиз ва тарғиб, ташвиқ этамиз, албатта. Менинг номимдан муҳаррирга, барча ходимларга раҳмат айтинг. Сизлар туфайли Берунийдек буюк аллома халқимизга маълум ва машҳур бўлди».

Мен бу гаплардан ғоят хурсанд ва мамнун бўлиб, у киши билан хайрлашар эканман, яна шундай дедилар: «Редакция ишидан бироз хабарим бор. Редакторга айтинг, босмахона ходимини жазоламасин. Ҳаммангизга яна раҳмат». Мен қанот қоқиб редакцияга гўё учиб бордим. Муҳаррир бўлган воқеани эшитиб ёқа ушлади ва ходимларни йиғиб, Ҳабиб Абдуллаев гапларини мамнуният билан ҳикоя қилди. Барча ходимлар Ҳабиб Абдуллаевнинг бағри кенглиги, мардлиги ва жасоратига таҳсинлар айтиб, тарқалдилар.

Иккинчи воқеа. 1958 йилда газетага бир гуруҳ таниқли олимлардан иккинчи гуруҳ олимлар устидан танқидий мақола тушди. Мақолада баъзи олимларнинг нопоклиги, илм-фан ривожига раҳна солаётганлиги ва кадрлар тайёрлашга монелик қилаётганлиги танқид қилинган эди. Иккала гуруҳ олимлар ҳам таниқли кишилар эди. Редактор бу мақолани Академия президенти Ҳабиб Абдуллаевга кўрсатиш лозим, дея мени унинг ҳузурига юборди. Домла мени қабул қилиб мақолани синчиклаб ўқиб чиқди. «Укам, дедилар аллома, танқид қилинган олимлар асли менинг рақибларим. Танқидчи олимлар буни яхши биладилар. Мақоладан мақсад, биринчидан, гўё менга яхшилик қилмоқчилар, иккинчидан, мен орқали ўз рақибларига зарба бермоқчилар. Агар мақола чиқса, Академияда гуруҳбозлик кучаяди, олимлар ўртасида иғво, тарафкашлик авж олади. Танқид қилинган олимлар ҳам таниқли, уларнинг ҳам илм-фанга хизматлари сингган. Айбсиз, камчиликсиз инсон бўлмайди. Редакторингизга айтинг мақолани босмасин, агар бирор тазйиқ бўлса, «Мақола Академия президенти қўлида», деб айтсин». Ҳабиб Абдуллаевнинг оқил ва одиллигини қарангки, ҳатто ўз рақибларини ҳам аяган, улардан ўч олиш хаёлига ҳам келмаган. Илм-фан равнақи учун ўз шахсий манфаатидан ҳам воз кечган улуғ инсон эди.

Учинчи воқеа. Мен аспирантурани тугатган йилим, диссертация китоб ёки мақолалар тарзида босилмагунча, ҳимояга қўйилмасин, деган қарор чиққан эди. Шу боис, то диссертация мавзуси бўйича мақолалар чиққунча ишлаб туришга қарор қилдим. Илгари матбуотда қатнашиб турганлигим сабабли мени газетага ишга таклиф этишди. Редакцияда чет эллар, фан, маданият бўлимларига мудирлик қилдим. Мен бу улуғ даргоҳда катта ҳаётий ва ижодий сабоқ олдим. Диссертацияга оид мақолалар нашр этилгач, уни ҳимоя қилиш учун Шарқшунослик институтига ишга ўтишим даркор эди. У пайтларда Академияда штатлар масаласи ниҳоятда оғир, яъни ишга жойлашиш мушкул эди. Академия Президиумида илмий кадрлар ва аспирантура бўлимини бошқараётган дўстим Миринай Файзиевга маслаҳат солдим. У мени Ҳабиб Абдуллаев ҳузурига олиб кирди. Аллома мени эски қадрдонлардек кутиб олди. Мен у кишига арз-ҳолимни, ниятимни баён этгач, М.Файзиевга дакки бердилар: «Агар номи ўзбек бўлсаю, илм билан шуғулланишни ният қилса, уни менинг номимдан ишга олавер. Штат масаласини ўзим ҳал қиламан. Бу укамни яхши танийман, дарҳол институт директорига айт, ишга қабул қилсин, дедилар. Аризамга ҳам ўз қўллари билан «Ишга қабул қилинсин», дея имзо чекдилар. Биз хайрлашар эканмиз: «Миринай! Ўзбек ёшларини ҳеч қачон қайтарма, кучинг етмаса, менинг олдимга кир», дедилар.

Бу улуғ олим ана шундай ватанпарвар, фидойи инсон эди.

***Фатҳулла АБДУЛЛАЕВ,***
***шарқшунос олим.***

# ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

**«STBI» илмий-технологик бизнес-инкубатори «Инновация жараёнига инвестициялар» лойиҳасини амалга оширишни якунламоқда.**

Унинг мақсади фанни тижоратлаштириш, олий ўқув юртлари, академиялар, илмий муассасалар тармоқларида ишлаб чиқарилган ишланмаларни бозорга олиб чиқиш, уларнинг ходимларини ўқитиш, шунингдек, тадбиркорларни ўқув-маслаҳат ахборот маркази негизида ўқитиш, «Интеллектуал кучларни тижоратлаштириш ва технологияларни бериш» қўлланмасини чиқаришдан иборатдир. «Евроосиё» жамғармаси ушбу вазифаларни амалга ошириш учун 24 минг 750 АҚШ доллари ажратди.

Лойиҳа раҳбари «STBI» директори Шуҳрат Рамазонов интеллектуал кучларни тижоратлаштириш инвестициялар учун энг мақбул йўлдир, деди. Ушбу соҳада биз анча тажрибаларни ўрганиб чиқдик. Илгари «Евроосиё» ҳамда республика Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 17 миллион сўм миқдорида 5 инновация лойиҳасини амалга ошириб, иккита лицензия шартномаси тузилди, 3 инновация фирмаси очилди, ўқув-маслаҳат ва технологияларни тижоратлаштириш бўйича марказ тузилди. Унинг негизида илмий муассасалар ходимлари ва тадбиркорлар ўқитилмоқда. Шунингдек, инвестиция таклифлари бўйича маълумотлар яратилди, технологиялар каталоги тайёрланди.

***«Туркистон-пресс».***

# Селекция ютуқлари — ҳуқуқий муҳофазада

**Тошкентда селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Анжуман Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси, Давлат патент идораси, Ўсимликларнинг янги навларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш халқаро уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда парламентнинг тўққизинчи сессиясида "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши мамлакатимизда ўсимликлар навлари ва селекцион ерлар муҳофазасининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлгани таъкидланди. Айни вақтда, қонун давлатимиз Ўсимликларнинг янги навларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш халқаро уюшмасига аъзо бўлиши учун ҳам имкон яратди.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиши мамлакатимизда ўсимликлар навларини халқаро миқёсда ягона шаклга келтирилган тизим бўйича ҳимоялашни таъминлайди.

***О.НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.***


# ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

**«Психология» ва «Жисмоний тарбия» кафедралари мудири лавозимларига танлов эълон қилади.**

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида — Тошкент 700137, Буюк Ипак йўли 54-уйда қабул қилинади. Телефон: 67-17-20.


Халқаро ҳаёт

## МУЗОКАРАДАН УМИД КАТТА

*Таиланд пойтахти Бангкокдан 180 километр узоқликда жойлашган Саттахип ҳарбий-денгиз базасида Шри-Ланка ҳукумати билан мустақил Тамил давлати тузиш учун курашаётган «Тамил-Илама» озодлик йўлбарслари» айирмачилари ўртасида ярашув борасида расмий музокара бошланди. Унда Норвегия ва Таиланд дипломатлари воситачилик қилаётир. Шри-Ланка ҳукумати делегациясига конституция ислоҳотлари вазири Гамини Пиерис, «йўлбарслар»га эса ушбу гуруҳ йўлбошчиларидан бири Антон Баласингхам раҳбарлик қилмоқда.*

*Айни дамда кўп йиллик беқарорликдан зада бўлган Шри-Ланка халқи музокара муваффақиятли тугашидан умидвор. У бошланган куни будда ибодатхоналари, масжидлар ва черковлар одамларга тўлиб кетди. Улар Яратгандан музокара муваффақиятли тугаши ва мамлакатда барқарорлик ўрнатилишини сўраб илтижо қилмоқда.*

## МАЪЛУМОТ УЧУН 1 МИЛЛИОН

*Дунёдаги энг йирик нефть компанияларидан бири ҳисобланувчи «ЛУКОЙЛ» матбуот хизмати тарқатган хабарларга қараганда, компаниянинг биринчи вице-президенти Сергей Кукуранинг автомобили 12 сентябрь куни милиция кийимидаги номаълум шахслар томонидан тўхтатилган. Ҳужжат текшириш баҳона, бошига ниқоб кийиб олган, автомат билан қуролланган бу одамлар қўриқчи ва ҳайдовчининг қўлларига кишан солгач, С.Кукурани «Волга» автомобилига солиб ғойиб бўлган. Қўриқчи ва ҳайдовчи эса воқеадан бир неча соат ўтгач, яқин атрофдаги дарахтзорда С.Кукуранинг хизмат автомобилида ҳушига келган. «ЛУКОЙЛ» вакилларининг фикрича, уларга ухлатувчи укол қилинган.*

*С.Кукура ўғирланибди, деган хабар тарқалиши ҳамоноқ «ЛУКОЙЛ» қаторида бошқа компаниялар акцияларининг нархи ҳам кескин тушиб кетди. Натижада, бир неча кундирки, Россия қимматли қоғозлар бозори тушкунлик ҳолатида.*

*С.Кукуранинг тақдири ҳали номаълум. Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уни топиш учун ҳаракат қилмоқда. «ЛУКОЙЛ» раҳбарияти ҳам қўлини қовуштириб ўтиргани йўқ, албатта. Куни кеча компания раҳбарияти С.Кукуранинг қаердалиги билан боғлиқ маълумотни билдирганларга 30 миллион рубл (тахминан бир миллион АҚШ долларига тенг) миқдорида мукофот берилишини маълум қилди.*

***(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

# КАФЕЛЬНИКОВ СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

унчалик таниш бўлмаган Владимир Волчков бир-бирларига рўпара келишди. Лекин бу, одатда, рейтинг бўйича бериладиган таъриф. Амалда эса, бунинг акси бўлишига бир бахя қолди. Негаки, кўпчилик назарга илмаган Волчков чапдаст чиқиб қолди. Унинг қаршилигини синдириш учун Кафельниковдек тажрибали теннисчига обдон тер тўкишга тўғри келди. Буни якуний ҳисобдан ҳам билиб олиш мумкин. Биринчи сетни аранг 7/6(6) ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Кафельников иккинчи сетда ҳам шундай қаршиликка дуч келди. Фақат халқаро турнирларда орттирган бой тажрибаси қўл келиб, 7/5 ҳисобида, яъни озгина фарқ билан енгишга муваффақ бўлди.

Лекин, эътироф этиш керакки бу йилгиси жаҳон профессионал теннисчилари таснифида тахминан олти йилдан бери кучли ўнликдан жой эгаллаб келаётган Евгений Кафельниковнинг биринчи уриниши эмасди. У Ўзбекистон Президенти турнирининг бош совринини қўлга киритиш ниятида «Юнусобод» кортида уч йилдан бери майдонга тушади.

Мухлисларнинг ёдида бўлса керак, ўтган йилги турнирда Кафельниковнинг ўз мақсадига эришишига бир қадам қолганди. Афсуски, ана шу сўнгги қадам унинг учун омадсиз бўлганди. Очиғини айтганда, ўтган йилиёқ «Президент кубоги»ни қўлга киритиб, ваъдасига вафо қилишига ўзининг ҳамюрти, ўша пайтда жаҳоннинг энг кучли икки теннис юлдузидан бири бўлиб турган Марат Сафин сўнгги финал учрашувида унинг йўлига тўғаноқ бўлган эди. Бу сафар эса, бор куч ва маҳоратини ишга солиб, мусобақалар бошланиши олдидан берган сўзининг устидан чиқди. У турнирнинг бош соврини — «Президент кубоги»ни, албатта, қўлга киритажағини ошкора айтган эди. Беллашувлар қанчалик оғир кечмасин, барибир ниятига эришди.



Жуфтликларнинг финал баҳсида эса Жанубий африкалик Давид Адамс билан Робби Койниг голландиялик Райнер Шутлер билан Мартин Веркеркни мағлуб этиб, турнир ғолиби бўлишди.

Ўтган шанба куни катта теннис ишқибозлари бўлган минглаб ҳамюртларимизга катта қувонч ва завқ-шавқ ҳадя этган улкан спорт байрамининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бир ҳафта давомида юртдошларимиз учун чиройли ва ҳаяжонли дақиқаларга бой ўйинлар намойиш этганлари ва бу билан мамлакатимизда ушбу севимли спорт турининг янада оммалашувига катта ҳисса қўшганлари учун самимий миннатдорчилик билдирди. Турнир ғолибларини эса, чин дилдан табриклаб, юксак совринларни топширди.

Шундай қилиб, жаҳондаги энг нуфузли турнирлардан бири бўлган Ўзбекистон Президенти кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Аммо у ҳар йили юртимиз истиқлоли тантанали нишонланадиган сентябрь ойида анъанавий давом этаверади. Энди навбат — ўнинчи, яъни юбилей турнирига.

(Давоми. Боши 1-бетда).

# БОШ СОВРИННИ ОЛИШ ОСОН БЎЛМАДИ

**Илгари хабар берганимиздек, вилоятимизда 7-15 сентябрь кунлари ўзбек футболининг 90 йиллигига бағишланган «Супер кубок — 2002» мусобақалари бўлиб ўтди.**

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ушбу турнир мусобақалари ҳар томонлама юксак савияда ташкил этилди. Ҳар бир жамоа мусобақаларда жиддий масъулият билан иштирок этди. Шу боис барча учрашувлар қизғин ва муросасиз курашлар остида ўтди. Айниқса, ярим финал учрашувларида беллашувлар кескин бўлди.

Вилоят прокуратураси билан вилоят суди жамоалари ўртасидаги ярим финал ўйинида асосий вақт 1:1 ҳисобида якунланди. Қўшимча вақтда яна битта тўп киритишга муваффақ бўлган прокуратура вакиллари финалга чиқдилар.

Иккинчи финалчи вилоят ички ишлар бошқармаси ва вилоят хўжалик суди жамоалари учрашувида аниқланиши лозим эди. Бироқ, асосий вақтда ҳам, қўшимча вақтда ҳам 1:1 ҳисоби ўзгармади. Натижада финалчини ўн бир метрлик жарима тўплари воситасида аниқлашга тўғри келди. Бунда омад ички ишлар бошқармаси футболчиларига кулиб боқди — 5:4.



Шундай қилиб финалда ички ишлар бошқармаси ва прокуратура жамоалари бош соврин учун кураш олиб бордилар. Бу сафар турнир ғолибини аниқлаш учун қўшимча вақтга ҳожат қолмади. Ички ишлар бошқармаси жамоаси асосий вақтдаёқ 5:1 ҳисобида йирик ғалабага эришди ва бош соврин — «Супер кубок»ни қўлга киритди.

Совринли ўринларни эгаллаган жамоаларнинг ҳар бир ўйинчисига тегишли диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда ҳомийлар томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бу йил биринчи бор ўтказилган ушбу турнирни анъанага айлантиришга қарор қилинди. Энди жамоалар ҳар йили сентябрь ойида вилоят ҳокими кубоги учун ўзаро курашадилар. Дарвоқе, кейинги йилдан бошлаб анъанавий турнир иштирокчиларининг сафи кенгайса ажаб эмас. Чунки, вилоятнинг бошқа бир қатор бўлим ва бошқармалари жамоалари ҳам ушбу турнирда қатнашиш истагида эканликларини маълум қилди.

*Ўз мухбиримиз.*



*СУРАТЛАРДА: ғолиблар турнир совринлари билан.*
*Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.*

# САККИЗИНЧИ ТУР ПАНД БЕРДИ

**Мамлакат XI миллий чемпионати олий табақа жамоалари навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар. Дарвозаларга 26 та тўп киритилди. Етти учрашувдан буён мағлубият нималигини билмай келаётган «Металлург» ниҳоят, Андижонда майдон эгаларига ўйинни бой бериб қўйди.**

Майдон эгалари 28-57-дақиқаларда ҳисобни 2:0 га етказдилар. Шундан сўнггина 70-дақиқада Александр Мочинов битта жавоб тўпини киритди. «Металлург» чемпионатда ҳамон ўттиз очко билан бешинчи ўринни банд этиб турибди.

«Дўстлик» ҳам ўз учрашувини Самарқанд ўйингоҳида ўтказди. «Самарқанд» жамоаси биринчи даврадан сўнг кўзга кўринган ўйинчилардан айрилиб қолиб, ёшлар билан мусобақаларни давом эттирмоқда. Шунга қарамай, «Дўстлик» майдон эгалари қаршилигини синдира олмади. Аксинча, 66-дақиқада киритилган ягона тўп ҳисобига «Самарқанд» зафар қучди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» – «Насаф» – 3:2, «Навбаҳор» – «Қизилқум» – 4:0, «Трактор» – «Сурхон» – 1:0, «Суғдиёна» – «Қўқон-1412» – 1:0, «Машъал» – «Нефтчи» – 0:5, «Пахтакор» – «Зарафшон» – 4:2.

Чемпионатда «Пахтакор» 58 очко тўплаган ҳолда пешқадамлик қилмоқда. «Нефтчи» эса Муборакдаги йирик ғалабадан сўнг 50 очко тўплаб, иккинчи ўринга кўтарилди. «Қизилқум» 47 очко билан учинчи ўринда.

Навбатдаги тур 21 сентябрда бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида «Пахтакор»ни қабул қилади. «Дўстлик» эса «Трактор» билан баҳс юритади.

Вилоят чемпионати

# КУЧЛИЛАР ҒОЛИБ, КУЧСИЗЛАР МАҒЛУБ

**Ўзбекистон ўн биринчи миллий чемпионатининг вилоятимиз шаҳар ва туманлари жамоаларидан иборат иккинчи табақасида навбатдаги 17-тур учрашувлари ўтказилди. Фақат битта учрашув дуранг натижа билан якунланди. Қолган учрашувларда йирик ҳисоблар қайд этилиб, дарвозаларга 21 та тўп киритилди.**

Пешқадамларнинг ўзаро учрашувидаги натижаларни ҳисобга олмаганда чемпионат бошидан буён кучли жамоалар, ҳатто, рақиб майдонида ҳам очко йўқотмай келмоқдалар. Ўн еттинчи турда ҳам бу анъана бузилмади. Масалан, «Қибрай» футболчилари «Оҳангарон» жамоасининг меҳмони бўлганларига қарамай, мезбонлар дарвозасига учта жавобсиз тўп йўлладилар. «Тошкент» жамоаси ўз майдонида «Металлург»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Турнинг энг йирик ҳисоби «Акмал» — «Бўстон» учрашувида қайд этилди. Оққўрғонликлар рақибларини 5:1 ҳисобида енгдилар. «Цементчи» ўз майдонида «Бўкалик»дан 3:1 ҳисобида устун келди. Пешқадамлар билан изма-из бораётган «Шоликор» жамоаси «Зафар»нинг меҳмони бўлиб, бир очкони қўлга киритди (2:2).

«Осиё чемпионати — 2002»

# РАУФ ИНИЛЕЕВ ШОГИРДЛАРИ ҒАЛАБАСИ

**Бирлашган Араб Амирликларида 12 терма жамоа Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларини ниҳоясига етказди.**

Ўзбекистонлик ёш футболчилар гуруҳдаги барча ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказиб, «С» гуруҳида етти очко тўплаган ҳолда, биринчи ўринни қўлга киритдилар ва чорак финалга йўлланма олдилар. Улар япониялик тенгқурларини 2:1, Қатар футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, Сурия жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг натижага эришдилар. Вакилларимиз 17 сентябрда майдон эгалари – Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан чорак финал учрашувини ўтказдилар.

Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал учрашуви 22 сентябрга белгиланган.

*Талъат ЮСУПОВ.*

# АНЪАНАГА АЙЛАНДИ

Бекобод шаҳар ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Қарияларни қадрлаш йили»га бағишлаб бир пиёла чой устида суҳбат-учрашув ўтказилди. «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш-акциядорлик комбинати ҳомийлигида ўтган бу учрашувга 200 нафар маориф фахрийлари ва фаол ўқитувчилар таклиф қилинди.

*Ўз мухбиримиз.*

Халқ табобати

# УЗУМ



Табобатда узум уруғлари қайнатма (1:10) кўринишида пешоб ҳайдаш учун ишлатилади. Узум ғўрасининг суви, нордон навлари стоматитлар, ангиналарда иштаҳа очиш, иссиқни туширишда фойдаланилса, майизидан енгил сурги тариқасида фойдаланилади. Мускуллар ва бўғимлар оғриғида овқат олдидан кунига 1-2 чой қошиқ миқдорида ош сирка ичиб туриш тавсия этилади.

Беморларни қувватга киргизиш учун меъда-ичак йўли касалликлари (гиперсекреция билан ўтадиган хроник гастритлар, спастик ва атоник қабзиятлар)да, плевритлар, сурункали бронхит ва нефритлар, бронхиал астма, ўпка сили, камқонлик, подагра ва ҳар хил неврозлар пайтида қадимги ҳакимлар узум ейишни тавсия этишган.

Ибн Сино буйрак, қовуқ яллиғланиши ва ичак оғриғида узум мевасини; кўз, қулоқ касалликларида ток баргларини; ичбуруғда барглари сувини, тери касалликларида поясини ишлатган.

Замонавий табобатда узум мевалари ёки суви юрак, жигар, буйрак, ўпка касалликлари, подагра, камқонликда, шунингдек, қон босимини ўрнига келтириш ва юрак-томирлар тизими, кўрув аъзоси ишидаги ўзгаришларни бартараф этиши аниқланган. Қандли диабет, меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллигида организмда йирингли жараёнлар кечаётганда беморга узум буюриб бўлмайди.

Ишлатиш усуллари: 1. Майда тўғралган 40-50 грамм ток барглари устига 500 мл қайноқ сув қуйиб, паст оловда 10-15 минут қайнатиб, кейин дамлаб қўйилади-да, сузиб олиниб, қандли диабет ёки гипертония касаллигида кунига овқатдан олдин ярим стакандан 3-4 маҳал ичилади. 2.100 грамм майиз янчилади ва устига 200 мл сув солиниб, 10 минут қайнатилади. Сузиб олингач, таъмига қараб лимон кислотаси қўшилади. Кунига овқатдан олдин ярим стакандан 3-4 маҳал ичилади.

# КУТУБХОНАДА АДАБИЙ КЕЧА

Ўртачирчиқ тумани марказлашган кутубхонаси жойларда корхона ва муассасалар билан шартнома асосида кўчма кутубхоналарини ташкил этиб, бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Яқинда туман кўзи ожизлар жамиятида «Истиқлолинг муборак, она-Ватан!» мавзуида адабий кеча ўтказилди.

# ЕТАКЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР

**Йигит-қизларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ташаббускорлик руҳида тарбиялашда ёшлар ташкилотининг роли ортиб бормоқда. Ёшлар етакчилари ташкил этаётган давра суҳбатлари, уч авлод учрашувлари, савол-жавоб кечалари баркамоллик тарбиясига хизмат қилаётир.**

Яқинда Зангиота тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган ёшлар етакчиларидан бир гуруҳи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий бўлимининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

*Ўз мухбиримиз.*



# САБИЛ ҚОЛГАН ТЎЁНА

Саъдулла СИЁЕВ

Ҳажвия

Шу томонларда Камол Содиқов деган тутинган акам бор. Ёши элликларга борган, серфарзанд, тўғрисўз одам. Ўзи менга ўхшаган мухбир. Лекин қалами ўткир. Айниқса, фельетоннинг жонини киргизади. Вилоятнинг истаган бурчагига бориб, «Камол Содиқов келмадими?» деб сўрасангиз, «Қўйинг-э, юзини тескари қилсин!» деб бир сакраб тушишади.

Анчадан бери Камол акани соғиниб юрардим. Яқинда редакциядан топшириқ олдиму унинг олдига қараб учдим. Камол ака шаҳар биқинидаги кичкина қишлоқда турарди. Мени кўриб қувониб кетди.

— Зап вақтида келдингиз, — деди қучоқ очиб, — ўзим сиздай оёқ-қўли енгил бир дастёрга зор бўлиб ўтирувдим.

Чой устида Камол ака дардини айтди:

— Яқинда тўй қилдим. Катта ўғилни уйлантирдик. Лекин четга исини чиқармадим. Қишлоқда ҳам биров билиб, биров билмай қолди. Сизни ҳам айтмадим. Ўпкаламайсиз.

— Намунча... пишиқ бўлмасангиз, — деб ҳазиллашдим, — ҳозир одамлар тўйга еб-ичгани келмайди, қизиқчиликка келади. Бекор қилибсиз.

Камол ака тўйдан қолган қаттиқ нонни маставага бўктириб уҳ тортди.

— Илгари мен ҳам шунақа деб ўйлардим. Ёлғон экан. Ҳозир тўйга одамлар тўёнасини кўрсатиб мақтангани келишаркан. Ана, қаранг!

Ҳали эътибор қилмабман, кираверишда девор тагига каттакичик яшиклар, капрон ип билан чандиб боғланган қоғоз қутилар қалаб ташланган эди. Камол ака ёнидан бир варақ қоғоз чиқариб берди:

— Ўқинг. Овоз чиқариб ўқинг!

Мен ажи-бужи ёзувни ҳижжалаб ўқидим: холодильник — 6 та, гилам — 13 та, телевизор — 7 та (2 та рангли), магнитафон — 4 та (биттаси японники), радиола — 8 та, самовар — 17 та, қандил — 5 та, диван — 3 та, сервис — 12 та.

— Бугун икковимиз ана шу совғаларни эгаларига топширамиз. Раисдан машина сўраганман. Турдикми?

Кўчага чиқдик. Эшикка беш тонналик машина келиб тўхтади. Ундан давангидай икки йигит тушди-ю, ҳалиги яшикларни орта бошлади.

Камол ака икковимиз «Жигули»да йўл бошладик, юк машинаси бизга эргашди. Деҳқонобод қайдасан, деб жўнадик.

Бирор соат юриб Камол акадан сўрадим:

— Бу тўёналарни адаштириб юбормайсизми?

— Йўқ. Тўёначилар ҳам анойи эмас. Улар бировларга пора беравериб қирриқ бўлиб кетишган. Буюмларининг кўринарли ерига, «Фалончидан арзимас эсдалик» деб ёзиб қўйишади. Ёки откритка қистиришади. «Арзимас» эмиш. 170 минг сўмлик рангли телевизор арзимасми? 100 минг сўмлик магнитафончи? Уларни қачон қайтараман-у, қандай қилиб қайтараман? Ҳали буёқда уч ўғил икки қиз етилиб турибди.

Эртакчилар айтгандай, йўл юрсак ҳам мўл юрдик. Уч туман, еттисаккиз қишлоқ оралаб машинани анча енгиллатдик. Икки холодильник, уч радиола, саккиз сервис, тўрт чангютгич, беш гиламни омон-эсон эгаларига топширдик. Яккабоғда тушлик қилиб яна йўлга тушдик. Кўклам офтобида кўпчиб, буғи чиқиб ётган далалардан ўтиб, обод бир қишлоққа кириб бордик. Бекпўлат аканинг уйи шундоқ марказда экан, адашмай топдик. Зангори ўймакор эшик. Оқ тунука томли иморат қўшниларникидан бир метрча баландда савлат тўкиб турибди.

Гулдор халат кийган, юзи товоқдек, пучуқ жувон эшик очди.

— Хўжайин йўқлар, — деди оғзини кафти билан тўсиб эснаркан, — гапларинг бўлса кечроқ келарсизлар.

— Бизга йўғи яхши, — деб илжайди Камол ака. — Омонатларини опкелдик. Ўзингиз олақоларсиз янга.

Йигитлар битта диван, бир қандилни тушириб дарвоза олдига қўйишди. Жувон Янгийўлнинг шалоғи чиққан диванини айланиб кўрди-ю, кўзлари ўйнаб сўради:

— Импортниймми?

— Ҳа, — деди Камол ака, — Венгрияники. Ҳам чиройли, ҳам пишиқ.

— Финскийдан обкелмабсизлар-да, — норози бўлди жувон.

Камол ака таъзим қилди.

— Унисига қарздормиз, янга.

Жувон пилдираб машинага яқинлашди.

— Оповси, анави гиламчадан битта ташлаб кетинг!

— Бу автолавка эмас, опа! — шофёрнинг жаҳли чиқди. — Ҳаммасининг эгаси бор.

— Шапкасини берамиз, ташлаб кетақолинг, укажон...

Шофёр индамай кузовнинг орқасини ёпди. Қарасак, жувон лўмбиллаб битта сервисни кўтариб кетяпти. Шофёр «Хўв, опа, қовун эмас бу, жойига қўйинг!» деганича қолаверди. Камол ака қўл силтади:

— Ҳайданг Аҳмаджон! Осон қутилдингиз. Ҳалиям танлаб оламан, деб хархаша қилмади.

Яна бир-икки соат сабил қолган тўёналарни тарқатдигу, туман марказига қараб ғизилладик. У ерда Камол аканинг Ражаб Дармонов деган эски таниши бор экан, тўйга рангли телевизор олиб борибди.

— Ишқилиб, Дармонов уйида бўлмасин-да, — чўчиди Камол ака, — бўлса томошанинг каттасини кўрасиз. Ражаб ака тулки одам. Қандай қилиб тузоғига илиниб қолганингизни билмайсиз. Содиқов ўғлини уйлаётган эмиш, деб мен чақирмаган одамларни тўйга бошлаб борган ҳам шу киши.

Аксига олиб, Ражаб ака уйида экан. Новча, қориндор, олакўз, тепакал киши ғоздай лапанглаб чиқди-ю, Камол акага қучоқ очди:

— Э, келсинлар, Камолжон ака, келсинлар! Қадамларига ҳасанот! Тушумми, ўнгимми! Биз ғарибларни ҳам йўқлайдиган кунингиз бор экану!

У Камол акани қайта-қайта ўпди, белидан олиб гир-гир айлантирди. Кейин менга ёпишди. Икки чаккамни панжалари билан сиқиб туриб чўлпиллатиб ўпаверди. Димоғимга саримсоқ пиёз биланароқ ҳиди урилди. Бошим айланиб, кўнглим беҳузур бўлди.

(Давоми кейинги сонда).

**Тошкент вилояти Хўжалик судининг 110206/-684-сонли иши бўйича 2002 йил 12 сентябрдаги ажримига асосан Бўстонлиқ туманидаги «Ниҳол» ҳиссадорлик жамиятига нисбатан банкротлик иши қўзғатилган. Шу муносабат билан 2002 йил 23 сентябрь соат — 10.00 да Бўстонлиқ туман солиқ инспекциясида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади. Барча кредиторлар қатнашиши шарт.**

**Маълумот учун телефон: 34-41-26.**

Қибрай туманидаги хусусий тадбиркор «Abdurahmonov Fazliddin Karimovich» думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Акмал Икромов туманидаги «NISOR» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО коди-15282501)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Назарбек кўчаси, 8-уйда ёки 47-80-55 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-855. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясибосмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6